

6.3 Форс-мажор ҳолатлари юзага келган томон иккинчи томонни шундай ҳолат юзага келгани ёки тўхтагани тўғрисида дарҳол хабардор қилиши керак.

6.4 Форс-мажор ҳолатлари юз бергани ёки тўхтатилгани тўғрисида 15 кундан кўп вақт ўтказиб, ўз вақтида хабар бермаслик томонни бундан кейин ушбу ҳолатларга хавола қилиш ҳукуқидан маҳрум этади.

## 7. Қўшимча шартлар

7.1 Ажратилган жойни банд қилиш ва/ёки кабелни ётқизиш бевосита ушбу Шартнома тузилганидан ва расмийлаштирилганидан сўнг белгиланган ижара ҳақи тўланишининг давомийлиги сақланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

7.2 Агар кабель ётқизиш учун ижарага олинган ёки бронланган канал (қувур, жой) Ижарага олувчининг айби билан бир йилдан кўп вақт фойдаланилмаса, у ҳолда ижара шартномасининг амал қилиши тўхтади ва олдиндан тўланган тўлов ва ижара ҳақи қайтариб берилмайди.

7.3 Ижарага берувчининг хизмат кўрсатиш зонасидан ташқаридаги ижарага олинган телекоммуникация линия иншоотларида авария ҳолатлари юз берганда уларни бартараф этиш бўйича ишлар Ижарага олувчи билан келишув бўйича алоҳида тузилган шартнома асосида алоҳида тўлов учун бажарилиши мумкин.

7.4 Ижарага берувчига тегишли бўлган ёки унга фойдаланиш учун берилган барча линия иншоотлари унинг хизмат кўрсатиш ва жавобгарлик зонаси ҳисобланади.

7.5 Ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришда томонлар қуйидагиларни таъминлаш бўйича биргаликда ҳаракат қиладилар:

- ахборот хавфсизлигини;
- ижарага фойдаланишга берилган мулкнинг бутлигини;
- линия иншоотларидан фойдаланишнинг мавжуд режимини;
- телекоммуникация тармоқларида ишларни амалга ошириш нормалари ва қоидаларининг бажарилишини;
- ёнғин хавфсизлигини;
- хавфсизлик техникасини;
- тезкор-қидирув тадбирлар тизимини;
- телекоммуникация тизимларини юқори кучланишлардан, адашган тоқлардан ва ўта юқори частоталардан зарур техник воситалар билан ҳимоялашни.

## 8. Томонларнинг реқвизитлари ва имзолари

### Ижарага берувчи:

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали

Почта манзили: Фарғона шаҳар,

Ал-Фарғоний кўчаси 5-уй.


Банк: АК Алоқабанк Тошкент бош офиси

Х/р: 20210000704074838356, МФО: 00401

ИНН: 203 366 731, ОКЭД: 61100

ККС тўловчи рўйхат коди: 326030013817

Директор:



В.В.Ежков

М.ў.

### Ижарага олувчи:

Манзили: 400 931 860 304 117073 102054001

Банк: УЎТБ 701044434 ИФУТ: 91511

Х/р: Фарғона вилояти бўйича қалачиқчи бунёдқилмас

ИНН: 203030013817 ОКЭД: 200001010

ККС тўловчи рўйхат коди: 326030013817

Раҳбар: 000014 СТИР 201122919



Шартнома 2022 йил «18» 01 да 18/22 - сон билан ҳисобга олинди ва рўйхатдан ўтказилди

Юрист